

**ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ТАРҚАЛГАН МАНЗАРАЛИ ОЧИҚ УРУҒЛИ
ДАРАХТЛАР ТАБИИЙ ТАРҚАЛИШ АРЕАЛИ**

Ишанқулова Д У

Жиззах давлат педагогика университети

Аннотация: Ушбу мақолада Жиззах шаҳрида интродукция қилинган очиқ уруғли дарахтларнинг келиб чиқиш ватани ва тарқалиш ареаллари ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлари: очиқ уруғли дарахтлар, ватани, ареаллари, кўкаламзорлаштириш, *Juniperus virginiana*, *Picea pungens*, *Picea excelsa*.

Аннотация: Ушбу мақолада Жиззах шаҳрида введение қилинган очиқ уруғли дарахтларнинг келиб чиқиш ватани ва тарқалиш ареаллари ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлари: очиқ уруғли дарахтлар, ватани, ареаллари, кўкаламзорлаштириш, *Juniperus Virginia*, *Picea pungens*, *Picea excelsa*

Abstract: This article provides information on the homeland and distribution areas of open-pollinated trees introduced in the city of Jizzakh.

Keywords: open-pollinated trees, homeland, areas, greening, *Juniperus virginiana*, *Picea pungens*, *Picea excelsa*

Замонавий дендрологик тадқиқотларда, аҳоли масканларининг дарахт ва буталардан иборат яшил ҳудудлар билан қопланиши зарурлиги эътироф этилган.

Шу нуқтаи назардан, аҳоли яшаш ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш асосида турли иқлим омилларига чидамли бўлган интродуцент манзарали дарахт ва буталар ўта аҳамиятли бўлиб, уларнинг турли абиотик ва биотик омилларга мослашувчанлиги, таксономик таркиби, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва мониторингини амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ер юзида ҳар қайси ўсимлик турининг эгаллаган майдони – унинг ареали ҳисобланади. Ҳозирги кунда қадар ер шаригадаги 500 мингдан ортиқ юксак ўсимлик турлари қайд этилган бўлсада, уларнинг барчаси бир хил майдонни эгалламагани каби, барча турлар ер юзининг ҳамма қисмида тенг миқдорда учрамайди.

Дарахт ва буталарнинг ер юзида тақсимланиши уларнинг биологик, экологик, кўпайиш ва тарқалиш хусусиятлари ҳамда ташқи муҳит шароитларига боғлиқ. Ташқи муҳит омиллари доимий ўзгариб туради ва ўсимликлар тарқалишига ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу таъсир фаол ёки пасив кўринишда бўлиши мумкин.[1] Инсон фаолияти уларнинг минтақалараро тарқалишига кучли таъсир этади ва ўсимлик ареалини

ўзгартириб юбориши мумкин. Ер юзида юзага келган табиий зоналар ўзининг ўсимлик дунёси, иқлими, фаунаси ва тупроқ қоплами билан бир-биридан тубдан фарқланади.[3]

Кенг ареалли дарахтлар тўғрисида сўз юритилганда, бу хилдаги даратларга оддий қарағай, тоғ терак ва сўгалли қайинларни киритишимиз мумкин. Тор ареалли дарахт ва буталарга кўплаб ўсимликларни киради. Аксарият дарахт ва буталарнинг асосий қисми, айнан шу турдаги ареали хилларига мос келади. Эндем турлар ўз-ўзидан маълумки, фақат бир ҳудудга хос ўсимликлар ҳисобланади. Масалан буларга кавказ қорақарағайи, кавказ оққарағайи ва буталарнинг бир неча турларини келтиришимиз мумкин. Эндем турларнинг асосий қисми тоғли ҳудудлар ва маълум хилдаги оролларда кенг тарқалган. Табиий шароитнинг турли муҳитларида ўса олмайдиган дарахт ва буталар, ўзининг ареалида ҳам кенг ҳудудларни эгалламайди. Масалан, ботқоқлик, қум ва сувда ўсадиган дарахтлар, бошқа муҳитларга мослашиши жуда ҳам қийин жараён ҳисобланади.[2]

Тадқиқотлар давомида Жиззах шаҳрида тарқалган манзалари очиқ уруғли ўсимликларнинг табиий тарқалиш ареали таҳлил қилинди. Олинган натижалар келгусида турларни муваффақиятли интродукция қилиш тўғрисида саволларни ечимини топиш имкони беради. Жиззах шаҳрида очиқ уруғли ўсимликларнинг 14 тури учраши қайд этилди. Ёпиқ уруғли ўсимликларга қиёсий солиштирилганда, очиқ уруғли ўсимликлардан фақатгина *Juniperus* туркуми турларининг 3 тури табиий ҳолда Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган (1 - жадвал).

1. - жадвал

Жиззах шаҳрида тарқалган манзарали очиқ уруғли дарахтлар табиий тарқалиш ареали

№	Илмий номи	Ватани
1	<i>Platycladus orientalis</i> (L.) Franco	Россия, Хитой, Корея
2	<i>Pinus nigra</i> subsp. <i>pallasiana</i> (Lamb.) Holmboe	Қрим, Кавказ, Марказий Туркия
3	<i>Pinus brutia</i> var. <i>eldarica</i> (Medw.) Silba	Эрон, Ироқ, Кавказ
4	<i>Pinus silvestris</i> L.	Евроосиё, Хитой, Кавказ
5	<i>Cedrus libani</i> A Rich.	Кичик Осиё, Сурия, Ливан
6	<i>Cedrus deodara</i> (Roxb. ex D. Don) G. Don	Афғонистон, Непал, Ҳимолай
7	<i>Taxodium distichum</i> var. <i>imbricarium</i> (Nutt.) Croom	Шимолий Америка
8	<i>Juniperus excelsa</i> M.Bieb.	Қрим, Кавказ, Эрон
9	<i>Juniperus virginiana</i> L.	Шимолий Америка
10	<i>Juniperus seravschanica</i> Kom.	Ўрта Осиё
11	<i>Juniperus semiglobosa</i> Regel	Ўрта Осиё
12	<i>Picea pungens</i> Engelm.	Шимолий Америка
13	<i>Picea schrenkiana</i> Fisch. & C.A. Mey.	Ўрта Осиё ва Шинжон
14	<i>Picea excelsa</i> (Lam.) Peterm.	Шимолий Америка

Juniperus virginiana, *Picea pungens*, *Picea excelsa*, табиий ареаллари Шимолий Америка худудларини ўз ичига олади.[4]

Хулоса қилиб айтганда Жиззах шаҳрига интродукция этилган аксарият дарахтларнинг табиий тарқалиш ареаллари Шимолий Америка, Кавказ ва Ўрта Осиё худудлари ҳисобланади. Мазкур турларни иқлимлаштиришда ва маҳаллийлаштиришда ёзнинг жазирама иссиғи ва қиш ойларида кескин совиб кетиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Д.У. Ишанқулова //Мониторинг и интродукционная оценка состояния деревьев и кустарников в Джиззаке//Бюллетень главного ботанического сада Учредители: Издательство" Научтехлитиздат" 2 с 13-19.
2. D.Ishanqulova //Jizzax shahrida introduksiya etilgan daraxt butalarning turlar xilma-xilligi va bioekologik xususiyatlari// disser 63 bet Jizzax 2024 yil
3. D.Ishanqulova //Jizzax shahrida Introduksiya etilgan daraxt butalarning turlar xilma-xilligi va bioekologik xususiyatlari// avtoreferat 13 bet Jizzax 2024 yil
4. D.Ishanqulova //Jizzax shahrida introduksiya qilingan ochiq urug'li o'simliklarning o'sishi va rivojlanishi// Educational Research in Universal Sciences 2024/12/15 124-128 p